



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Бог'от шаҳарчаси, Ўзбекистон ко'часи, 18-уй

2021 - йил 22 - апрел

883 и -сон

Бог'от шаҳарчаси

Фуқаро Исмоилов Равшон
Қосимовичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Богот тумани “Нурли маскан” маҳалласида яшовчи фуқаро Исмоилов Равшон Қосимовичнинг “Нурли маскан” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 25 февралдаги ШЯ-И-789-сонли аризасини, “Нурли маскан” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Богот туман филиалининг 2021 йил 24 февралдаги 545-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Богот тумани “Нурли маскан” маҳалласида жойлашган 13 (ўн уч)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 122,24 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 8 (саккиз)та бўлиб, ички ўлчами 154,44 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 276,68 квадрат метр, қурилиш ости майдони 365,5 квадрат метр, умумий ер майдони 1290,3 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Исмоилов Равшон Қосимовичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Исмоилов Равшон Қосимовичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Исмоилов Равшон Қосимовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев